

БУ ДУНЁ ЎТКИНЧИ, АММО

Пешку туманидан иккинчи жаҳон урушида 2156 нафар киши қатнашган бўлса, улардан 1118 таси фронтдан қайтмади. Аини пайтда туман ҳудудида 166 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилаётир.

Туман «Нуроний» жамғармаси, туман ижтимоий таъминот бўлими ҳамда туман ноғиронлар жамияти ва бошқа қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида уруш қатнашчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор билан қараётир.

65 та I гуруҳ, 66 та II гуруҳ уруш ноғиронлари ва бошқа фахрийларимизга жами 840 минг сўм тақдим этилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Сайфулло Шукуровга аравача берилган бўлса, 21 кишига ҳасса, протез улашилди. 4 нафар уруш қатнашчиси эса мамлакатимиз санаторийларида дам олиш учун йўлланмаларга эга бўлди.

Туман марказида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи гоғтада қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилгани фахрийларимизни мамнун этди. Бу ерда байрам му-

носабати билан ўтказилган тантанали маросим тугагач, «Буюк Истиқлол», «Вали Фаёзиев» деб номланган кичик корхоналар ҳомийлигида ташкил этилган бир пиёла чой атрофида эсда қоларли гурунғ бўлди.

Тўпланганларни туман ҳокими Шокир Собиров, Олий Мажлис


УРУШ ФАХРИЙЛАРИ

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА


депутати Тоир Бахронов, вилоят кенгашининг депутати Султон Мавлонов ва бошқалар самимий кутладилар.

Йил давомида уруш қатнашчиларига белгиланган тартибда, яъни имтиёз ва қулайликлар сақланган ҳолда тиббий хизмат, алоқа хизмати кўрсатилади. Иймони бут тумандошларимизга ҳар қанча меҳрибонлик қилсак ҳам озлик қилади, албатта. Чунки, улар бугунги кун ва келажакимиз учун доим қайғурадиган ҳамда ҳукуматимиз даъватига лаббай, деб жавоб берадиган фидойи инсонлардир.

Бахтиёр САДИРОВ,
Пешку туман ҳокимлиги ижтимоий таъминот бўлимининг мудир.



Чирчиқлик Мирзобобо Раҳмонов бахти кулган кексалардан. Иккинчи жаҳон урушининг қирғин барот суронларидан омон қолиб, музтақиллик наҳидасидан баҳраманд бўлган отақондир. У киши 3 нафар ўғил, 2 қиз, 5 неварга ҳамда 2



нафар чеваралар атрофида меҳрибон бува. — Урушни биз кўрдик, сизлар кўрманлар, — дейди отақон. — Бу кунларнинг қадри улғудир. Илоҳо, тинчлик ва хотиржамлик доимо ёр бўлсин!

ҲАЙКАЛ ПОЙИДА ГУЛЛАР

Хотира ва Қадрлаш кунига Жиззах вилоятида ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Туман, шаҳар ва қишлоқлардаги хотира хиёбонлари ободонлаштирилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ушбу сана муносабати билан хайрия тадбирлари ўтказилди. Тадбирда «Маънавият ва маърифат», «Қамолат», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа кўплаб ташкилотлар иштирок этиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар ҳамда уларнинг оилаларига эсдалик совғалари топширилди.

Бугун Жиззах шаҳридаги «Хотира ва Қадрлаш» мажмуида, «Ўрда» истироҳат боғи, ташкилот ва муассасаларда, маҳалла ва гузарлар, кўча-ҳиёбонларда сайлгоҳларга айланиб, «Мотомсаро она» ҳайкали ва бошқа ёдгорликлар пойиғига гулчамбарлар қўйилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касбухона лицейларида эса кечалар ўтказилмоқда.

А. ЭРҒАШЕВ.

ҚАЛБЛАРНИ ЎРТАГАН МАКТУБ

Невараларимни ёнимга олиб қабристонга бордим. Бу ерда эзгу - ниятларига етолмай ёруғ дунёдан армонда кетган кўпгина табаррук инсонлар дафн қилинган. Лънати уруш инсоният бошига не кунларни солмади. Унинг зарби ҳар бир оила аъзосининг қалбига акс этган. Невараларимга юртим, она қишлоғим, жигарларим деб беомон жангу жадалларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган қариндош-уруғларимиз Зуфар, Абдуғани, Қўқор, Шукуржон, Алимжон акаларнинг оловли йиллардаги фидойилиги, жасурлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилдим.

Айниқса, акам Шукрулло хусусидаги ёдном қалбларни ўртади. У ҳаётни, одамларни, мактабни жон дилдан севадиган, боғ яратишга ишқибоз инсон эди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ кўнгилли бўлиб фронтга отланди. Бироқ, кўп ўтмай ундан «қора хат» келди. Буни ҳаммамиз кейинчалик билдик. Шум хабарни биринчи бўлиб эшитган отам индамас бўлиб қолди. Тўқсон ёшга борган бувам ҳам кўрпа-тўшак қилиб олди. Вақт ўтиши билан икки нуронийнинг қадди букилди, кўзларидан нур кетди. Қаҳратон қиш кезлари бувам «Шукруллони кўролмайд кетдим» дея оламдан кўз юмдилар.

Айрилиқ зарби шу кунгача билинади. Шу боис ёшларга қарата шундай дейман: тинч, осуда кунларимиз қадрига етинг, музтақил Ўзбекистонимиз шўхратига шўхрат қўшинг. Бу инсон учун буюк бахтдир!

Ҳамидулла Йўлдошев,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш борасида жойларда ибратли ишлар қилинмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Қамолон» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир фикримизнинг далилидир.

ЖАСОРАТДАН СЎЗЛАР ЛАВҲАЛАР

Мустақиллик йилларида бунёд этилган маҳалланинг шинам чойхонасида уруш иштирокчилари, меҳнат фахрийлари йиғилишди. Улар дид билан безатилган тўқин дастурхонга таклиф этилдилар. Тадбирни маҳалла кўмитаси раиси Қаҳҳор Содиков очди. У фахрийларни улуг сана билан самимий табриклаб, эзгу ниятла-

ни хушнуд этди. Фурсатдан фойдаланиб уруш ва меҳнат фахрийларининг баъзиларини суҳбатга тортиди.

— Мен 1941 йилнинг октябр ойида урушга кетиб, 1945 йилнинг сентябрида қайтиб келганман, — дейди табаррук инсон Комил ота Сами-

гуллин. — Президентимизга раҳмат. Юртбошимиз 9-майни Хотира ва Қадрлаш кунига, деб эълон қилди. Бу нақадар улуг, савобли иш

эканлигини сўз билан ифода этолмайман. Таъзирлар Маҳкамасининг қарори асосида биз, уруш фахрийлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилдик. Ҳозирги тўқин дастурхон атрофида ўтиришимиз ҳам ушбу қарор шарофатидир.

— Маҳалламизда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳар доим эътиборда, — дея суҳбатга қўшилди Насриддин ота Эгамбердиев. Бу бизни руҳлантиради, ҳаётга бўлган иштиқимизни оширади. Айниқса, биз фахрийларни муносиб ўринбосарлар вояга етаётганини қувонтиради.

Ф. ЮСУПОВ.

ЎРНИНГИЗ БИЛАНДИ БУ КУН

Кўвониб юрсам ҳам, соғлигим сўраб, Турмушим, юмушим, бойлигим сўраб, Ҳолимдан хабардюр эдингиз у кун, Отажон, ўрнингиз билинди бу кун.

Элнинг назаридан қолма, болам, деб, Дуо ол, қарғишни олма, болам, деб, Насиҳат, маслаҳат бердингиз у кун, Отажон, ўрнингиз билинди бу кун.

«Неки хизмат қилсанг, қилгил беминнат, Ёл-юртни эъзозли, хор этмас меҳнат, Ҳаётдан адашма», деддингиз у кун, Отажон, ўрнингиз билинди бу кун.

Оғ-аниларим ёнимда бу кун, Дўсту биродарлар парвона бу кун, Не қилай, изингиз босолмас ҳеч ким, Отажон, ўрнингиз билинди бу кун.

Абдулла АЙИЗОВ.

Яқинда тўрткўллик меҳнат фахрийси Ибодулло Машарипов билан мамлакатимиз Президентининг Фармони асосида белгиланган Хотира ва Қадрлаш кунини тўғрисида гурунглашиб қолдик. Ойсоқол узоқ йиллар мобайнида сидқидилдан ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда.

— Олтиминчи йилларнинг ўрталарида иккинчи жаҳон урушида шахид кетган элдошлар хотирасига Бўзёп канали ёқасида ёдгорлик барпо этилди. Баҳонада қабристон ва қадамжоларни ободонлаштириш юзасидан ҳам анча ишлар қилинди, — дейди у. — Яна бир воқеани гапириб бермоқчиман. 1972 йил Тўрткўл тумани раҳбарлиги лавозимига иккинчи бор Қосим Нурумбетов сайланди. Бир кун иш юзасидан суҳбат-

расига барпо этилган ёдгорликка ишлатами! — деди. Айни шундай бўлди. Биласизми, шу йилнинг март ойида Тўрткўлда Йўлдош Қурбонов ва Қо-

сим Нурумбетовларни хотирлаб ўтказилган кечада ўша кунларни, табаррук инсонларнинг савобли ишларини эслашдик. Кечадан олган асосий таассуротимиз шундан иборатки, яхшилик, эзгулик уруғлари ҳаммиша мева беради экан. — Очиги, баъзан бир маҳалла наридаги маъракаларга қатнаша олмаимиз. Лекин ушбу кеча

ЧЎЛҚУВАРЛАР ТАЪЗИМИ

Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида қизиқарли тадбир ўтказилди. Унда уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, жанггоҳларда ва хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ҳалок бўлганларга сизга аъзолари, фарзанд ва набиралари таклиф этилди. Ҳар бир иштирокчи Ватан тимсоли — мотамсаро Она ҳайкали пойиғига гулчамбарлар қўйди.

— Бу тадбирни ўтказишдан мақсад фақатгина ўтганларни хотирлаб, уларни қадрлашгина эмас, балки авлодларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам эътибор қаратишдир, — дейди биз билан суҳбатда Қўриқлаш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Аъзамжон Ҳақимов. — Миллий мафкура аслида Ватанинг англашдан бошла-

олиш, 14 ёшгача бўлган фарзанд ва набираларига ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун бепул йўлланма беришни мўлжаллаб қўйганмиз.

Меҳнат фахрийларига ҳам ҳиммат кўрсатишни дилга туққанмиз. — Бундай тадбирни ташкиллаштирувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман, — деди Абубакр Урмонов. — 16 феврал кунини содир этилган кўпуровчилик оқибатида ўғлим Нургали хиз-

тўғрисидаги хабарни эшитган заҳоти йўлга чиқдик. Чунки улар элим, юртим дея фидойилик кўрсатганлар. Чин инсонларни хотирлаш эса савоб ишдир! — Яхшиликнинг баҳосини қарангки, бир пайтлари урушда шахид кетган элдошлари хотирасига ёдгорлик ўрнатишга бош-қош бўлган Қосим Нурумбетовга унинг номи билан юритилувчи кўрик хўжалигида бюст ўрнатилди. Эл эъзози эмасми бу? Икки азиз инсон тўғрисида алоҳида алоҳида китоб нашр этилди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, журналист.

УЧ ЎҒЛИДАН АЙРИЛГАН ОНА

Қамаши тумани Қамай қишлоғида истиқомат қилувчи эндигина ўн тўққиз баҳорни қаршилаган Эшқувватни ҳам ҳарбийга қақаришди. Онаизор Ойсоат мома жигаргўшасини фронтга кузатаркан, «ой бориб, омон қайт, болажоним, қулоқ қилиб сургун этилган отангининг ҳам умрини сенга қўшиб берган бўлсин, илоҳим», дея кўзларидея ёш билан оқ йўл тилаган эди.

«Тайёр тракторчиман, ҳойнаҳой танкчилар қисмига олишса керак», — ўйларди Эшқувват. Аммо пулемётчи сифатида жангга кирди. Кўп марта яраланиб, госпиталда даволанишига тўғри келди. Ҳатто узоқ қишлоқда яшовчи онаси «қора хат» ҳам олди. Унинг тирик эканлиги ҳақида хат келгунча кўплаб кўз ёшлари ҳам тўкилди. Урушдан қайтгач, кўл қовуштириб ўтирмади.

Йигирма икки ёшида Мирзачўлни ўзлаштиришга отланди. Олдин сувчи бўлди - пахтачилик бригадасига етакчилик қилди. У қаерда бўлмасин, яхши дўстлар орттирди. Узи истиқомат қилаётган Пахтабод кўрғонидаги А.Навоий номли 6-ўрта мактабда «Шон-шўхрат музейи» барпо этиб, унинг экспонатларини бойитиб бораётти. У ёшларга музтақилликнинг қадрига етиш, маънавий бойлигимиз қадр-қиммати ҳақида гапиришдан чарчамайди. Эшқувват ака қадрдон дўсти

Николайдан хат олди. У ўз мактубида сиҳат-саломатлигини, дийдор кўришиш учун Украинага ташриф буюришини сўрабди.

Бир кун улар учрашиб узоқ суҳбатлашди, жанг хотираларини эслашди...

Ўшанда танк ёнар, оғир яраланган танкчи Николайни Эшқувват бақувват елкасига олиб, жанг майдонидан анча узоққа, санитарлик қисмига келтирди. Хушидан кетган Николай буни кейинчалик сўраб-суриштиргач, дўстлари орасида «арслон» деб юритилувчи Эшқувват эканлигини аниқлади. Афсуски, Николай ўз халоскорини учрата олмади. Ва ниҳоят, 34 йилдан сўнг тасодифий дийдорлашув насиб этди.

— Вилоятимиз маркази - Гулистон шаҳрида Хотира майдони қурилгани уруш қатнашчиларига кўрсатилган эҳтиром рамзи бўлди, — дейди Э.Соатов. — Мен ҳар сафар бу ерда бўлар эканман, болалигим ўтган қишлоқ - қамайлик Улжон мома тимсолида урушдан қайтмаган фарзандини эслаб, кўзлари ниғорон бўлган оналарни кўз олдимга келтираман. Улжон мома арслон келбатли Нормурод, Раҳмон, Тўра сингари уч ўғлидан уруш сабабли айрилиб қолди. Бундай мотамсаро оналарни ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИЛОҲИЙ РУҲ

Шу боис, ёшларга Ватани бор - қадр топади, қадр топанг эъзозланажанини уқтиришдир. Шунингдек, жанггоҳларда ва хизматни ўтаётганда шахид кетганларнинг оила аъзоларига қўлдан келганча моддий ёрдам бериш, аҳволларидан хабар

Мат вақтида ҳалок бўлди. У жуда ёш кетди. Невараларим етим бўлиб қолди. Лекин, биламанки, ўғлимнинг ўз бурчига садоқати сафдошларига намуна мактаби бўлади. Ҳалол ва фидойи кишиларгина юрт осойишталигини таъминлайдилар. Бундайлар ички ишлар ходимлари ўртасида жуда кўп. Тадбир иштирокчилари маросимдан сўнг пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Улар байрам дастурхонига тақлиф этилиб, ўтганлар ҳақида тиловат қилинди. **Муродулла ҒАФУРОВ.**

ИНСОН ХОТИРАСИ АБАДИЙДИР!

Эргаш Ҳамроев бизга бой мерос қолдиришига йўл қўймадилар: машъум 37 - йили у ҳам қамоққа олинди, тергов азобини тортди... Уруш бошланиши билан эса фронтга жўнатдилар. 1942 йилнинг баҳоринда Ҳамроевлар хонадонидан аза бошланди. Қора хат келган ўша кунни Эргаш Ҳамроевнинг икки фарзанди, ёру биродарлари ҳали-ҳали аччиқ надоматлар ила эслашади... Ахир у 33 ёшга кирган эди. Қанчадан қанча роллар ўйнамай қолди, сценарийлар ёзилмади. Ундан бизга бир неча рол ("Юксалиш", "Рамазон", "Йигит"), икки сценарий ("Йигит", "Муҳаббат") мақолалар қолди...

Эргашнинг бахтли онлари Наби Ганиевнинг ёнида, павильонда ўтди. Наби ака буйғитга ларини варақлашга ури-ниб кўрайлик. Ҳикоямиз Эргаш Ҳамроевнинг ра-фиқалари Анастасия Ан-

дай мириқиб ухлайди", деган ўйлар билан уйда ивирсиб юрар, аммо кўздан тирқираб чиқа-ёзган ёшларни тўхтатиш-га ожиз эди. Умр йўлдо-шининг уйкусини сўнгги бор кўриқлаётган бу аёл-нинг ҳаётида янги давр бошланмоқда: Энди у оила бошлиғи, икки ёш болага ҳам она, ҳам ота. Эргаш фронтдан эсон-омон қайтса, яна ширин ҳаёт бошланади... Шу ҳаёллар билан тонг от-ганини сезмай қолди. Бир зумда уй болалар-нинг кўнғироқдек жаран-гли овозларига тўлди. Нуношта устида ҳар гал-гидек ҳазин-хузул ҳам

нинг этагини ушлаб ол-ган Алижон самолёт ва от ваъда қилган отала-ридан қувонишарди. Бу ўйинчоқлар қачон ва қаердан олинишини бил-май гоҳ Асёга, гоҳ Эр-гашга савол аломати би-лан қарашарди. Фронтга отланган Эр-гаш Шайхонтоҳурдаги ки-ностудияга бирров кириб ўтмоқчи бўлди. Чунки ре-жиссёр Йўлдош Аъзамов янги фильмда Эргаш Ҳамроевга рол топшир-ган. Фронтга аталган бу кинотасманинг тақдири унга ҳам боғлиқ. Суратга олиш гуруҳи вазиятга яхши тушунар-ди. Павильонда жанго-

чирарди. Шу боис у ор-тиқча машқисиз кинока-мерага рўпара бўлди. Эпизод езгина сурат-га олинди. Ҳамроевлар оиласи яна йўлга тушди. Студи-янинг ижодий-техник хо-димлари уларни кузатиб қолди. Эргаш биринчи хати-ни поездда ёзди. У қўли-га қалам олиб, бугун эр-талаб айта олмаган гапларини қоғозга тушира бошлади: "Азизим. Вақт қандайлигини ўзинг би-ласан. Менинг тақдирим нима бўлади, билма-дим... Сенинг ўйларинг-ни ҳам биламан. Уйда-лигимда секингина, ле-



Биз, уруш қатнашчи-лари учун 9 май алоҳи-да аҳамиятга эга. Ҳан-дақларда ойлаб яшаб, ўттиз беш-қирқ даража совуқда дала-дашда кун кечириб, қорни тўшак, осмондаги булут-ни кўрпа деб билиб кўп синовлардан ўтганмиз. Уруш — урушда. Бугун борсиз... Эртага-чи?... 1944 йилнинг қиши-даги жанглардан бири-да оғир ярадор бўлдим. Фашист мергани отган портловчи ўқ кўкрагим-га тегиб, ўпкамини тил-ка-пора қилиб, қовур-ғаларимни синдириб, жигаримни ёриб чиқиб кетганди. Мен ўлимга маҳкум этилган эдим...

ХАЛОСКОРИМ - ҲАМШИРА

Мени — ҳаёт билан видолашаётган жангчи-ни, тезда жароҳлар столига ётқизишди. Эр-талаб кўзимга диққат билан қараган врач кўзимдан нур ўчмагани-ни кўради-да, табассум билан «Сизга Свердловск шаҳрилик Надя Астахованинг қонини қўйдик. У «менинг қонимни кимга қўйган-ингизни билдиришин-гизни илтимос қила-ман» деб ёзди. Бир оғ зўзингизга келгандан сўнг жабои ёзиб юбо-рарсиз», деди.

Уч ҳафтадан сўнг қалам ушлай оладиган ҳолга келдим ва халос-коримга хат жўнатдим. Надя жабои хатда ўзи-ни дунёда энг бахтли инсон деб ҳис қилаёт-ганини билдирди. У бир неча ойгача мактуб йўллаб, менга қўшимча куч, дармон бағишлаб турди. У қон олиш мар-казида ҳамшира бўлиб ишларкан. Кейинчалик билсам у фронтда ҳалок бўлибди. Лаънати уруш...

Кўчор ХОНАЗОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
2-гуруҳ ногирони.

ЎТТИЗ УЧ БАҲОРНИНГ ИККИ ЛАҲЗАСИ

меҳр қўйгани, унга уч филмида роллар бергани беҳиз эмас. Ҳамроевнинг биринчи бадиий асарини - "Йигит" сценарийсини ҳам худди шу режиссёр экранлаштирди. Икки истеъдодли санъаткорнинг маслак-дош дўстлари, томоша-бин бу асарларни илик куттиб олди. Лекин шўро-лар мафқураси ҳақида қайғурганлар Эргаш ва Набини миллатчиликда айбладилар, ақиллиқ-лобий гоёларни тарғиб этаяпти, деб ҳибсга ол-дилар.

Бугун ана шу қисқа ум-нинг бир-икки саҳифа-

тоновна хотиралари ҳамда фронтдан келган хатлар замирида вужуд-га келди.

1941 йил 25 июл куни эди.

Анастасия барвақт тур-ди, кеча тайёрлаб қўйган кийим-кечаларни, озиқ-овқатни атайлаб бўздан тиккан халтага жойлади. Сўнг нуношта тайёрлаш-га киришди. Ўғиллари Алижон билан Давлат дадалари кучоғида сўнгги марта ётганлари-ни сезгандек, ҳеч уйғон-мас эдилар. Анастасия эри Эргашни ҳам уйғот-гиси келмади: "Узоқ йўл босади, энди қачон бун-

вар руҳ ҳукм сурарди: тунда декорациялар тай-ёрланган, нур манбала-ри, кинокамералар шай. Ўзбек йигитининг фрон-тта жўнатилиши эпизод-дини суратга олишга ҳамма тайёр! Буни қаран-гки, ролни чиндан ҳам жанг майдонига йўл ол-ган Эргаш Ҳамроевнинг ўзи ижро этишига тўғри келди. Ролга кириши ҳам осон бўлди. Грим, пар-доз, реквизитга ҳам ҳожат қолмади. Эргаш-нинг ички ҳолати чехра-сида ифодаланиб турар-ди. Бундай руҳий ҳолат-ни актёр уруш бошлан-ганидан буён бошдан ке-

кин қаҳр-жазаб билан бо-скинчаларни қарғанин-гни эшитганман. Сендек кишилар миллионлаб... сен иккиланма, умидсиз-лайма, азизим... Шундай оғир дамда сени ёлғиз қолдирмай, ёрдам бера-ётган дўстларимизга салом! Эргаш".

Яна бир ойдан кейин - августнинг охирида лейтенант Ҳамроев оила-сига хабар қилди: "Мени взвод командири этиб тайинлашди. Очигини ай-тсам, хурсандман. Чунки шу вақтгача полк штаби-да хизмат қилардим. Мен штабда эмас, жанг май-дониди бўлгим келади...

Жангга кираётганимда мен ҳеч қачон ўзимнинг ҳаётимни ўйлаб қўрмай-ман. Мен сизнинг ҳақин-гизда, одамлар ҳақида, оталаримиз ҳақида ўйлайман..."

Хатларнинг яна бири-да икки йўл оталари ваъ-да қилган совгани олди-лар. Дадалари Алижонга эгар -жабдуқли от, Дав-латга самолётнинг рас-мларини ўхшатиб чизиб юборди. Хатнинг охири-да болажон Эргаш қўшиб қўйди: "Ўртоқларингиз сўраса, айтинглар: «да-дам Гитлерни йўқ қилиб келади!»,- деб".

1942 йилнинг баҳори-

«Сурхондарё телеком» шўъба корхонаси Хотира ва Қадрлаш кўни муноса-бати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига байрам кунлари Мустақил ҳамдўстлик давлатларида-ги собиқ қуролдошлари, ёру биродарларига бепул кўнғироқ қилиш имтиёзини яратгани тўғрисидаги ха-

ЎЗЛИКНИ АНГЛАТДИ

Зангиота туманидаги Ак-мал Икромов маҳалласида Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида уруш ва фахрийларига совғалар топши-рилди.

— 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш кўни сифатида нишонланишининг аҳамия-ти шундаки, у бизга мус-тақилликка эришганимизга қадр бўлган мамлакатимиз ўтмишини янгидан, та-рихий адолат нуқтаи на-зардан ўрганиб чиқиш им-конини берди. Маълумки, тарихий хотира инсоннинг ўзлигини англашга, ота-болалари ўтмишидан во-қиф бўлишга ўргатади,— деди Зангиота тумани ма-ҳалла оқсоқоллари кенгаши раиси Файзулла Исмоилов. — Мустақил юртда камол топаётган ёш йигит-қиз-ларимиз Жаҳониддин Ман-губердидан тортиб, шўро даврида қатағон ва қатл қилинган, Ватан учун жон

фидо қилганларнинг ҳаёти, шу юрт озодлиги учун ум-рларини бағишлаган улғу инсонлар хотирасини қад-рлашлари, бу одатни ан-янага айлантиришлари ло-зим.

Хозирги кунда тумани-мизда 283 нафар уруш қатнашчиси истиқомат қиляпти. Мустақиллик ша-рофати туфайли нишонла-наётган бу байрамнинг аҳамияти ва моҳияти йил-дан-йилга ортиб боради. Фахрийларга эътибор, меҳр-муруват ёшу-қари, барча инсонлар қалбини гурурга тўлдирди. Хотира ва Қадрлаш кўни ҳам Мус-тақилликнинг дастлабки йилларидан буён нишонла-ниб келаятган барча бай-рамлар қатори ўзлигини ан-глаб етган, мустақил дунё-қарашга эга авлодни камол топтиришга хизмат қилади, деди Ф.Исмоилов.


«Туркистон-пресс»

Бўша туманидаги матлубот ҳис-садорлик жамияти савдо ходимла-ри 101 миң аҳолига намунали хиз-мат кўрсатишга эришди. Яқинда бу ерда яна бир хайри ишга қўл урилди. Туман марказидаги «Лола» универ-маги уруш ва меҳнат фахрийларига қулайлик туғдириш учун янги савдо шаҳобчаларини очди.

— Биз нуруний отахон ва она-

хонларга беимнат хизмат қилиш-дан бахтиёрмиз, — дейди жамият раиси муовини О.Аҳмедов. — Бу ерда 700 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари ўзларига эҳти-ёжталаб маҳсулотларни харид қила-дилар.

Суратда: сотувчи Баҳром Худой-кулов 78 ёшли фахрий Раимжон ота Шариповга хизмат кўрсатмоқда.



Қалб нидоси «ҚАЙДАСИЗ, ДЎСТЛАРИМ!»

Уруш сўзини эшитганингизда вайрона бўлган уй-жойлар, ота-онандан ажралган етим-лар, болалари ҳажрида йиғлаётган оналар, ёридан жудо бўлган келинчақ оху ноласи кўз олдингизга келади. Оловли йилларнинг жон-ли гувоҳларлари, жангоҳларда жон бериб жон олган фахрийлар ораминда яшашмоқда, кек-салик гаштини суришмоқда. Ана шундай пиру бадавлат отахонларимиздан бири Беруний шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев маҳалласида истиқомат қилувчи 1 гуруҳ уруш ногирони Кен-жабой ота Жумамуродовдир. Отанинг айни кучга тўлган йигитлик чоғлари фронтда ўт-олов ичига ўтди.

У оёғидан яраланиб меҳнат фронтга қайт-ди. Барча юмушлар аёллар-у болалар зимма-сига юкланганди. Кенжабой ота оёғи яралан-ганига қарамасдан «Пахтарна», «Хон ёп», «Қо-зоқ ёп» каналларини қазий ишлариди фаол иштирок этди. — Ўша йилларни эсласам юра-гим орқамга тортиб кетади, — дейди. — Ай-ниқса, аёлларга жуда қийин эди. Оғир меҳ-натдан қаддллари эгилиб, очлик-беҳалавлик-дан захмат чекишарди. Ҳар кун хонадонлар-да аза-қора хат. Кенжабой ота уруш даҳшат-ларини ўз кўзи билан кўрганлиги учун фронт-дош дўстларига дон, арпа, жўхори, кийим-кечак юбориб турди.

Урушдан кейин йигирма йил қовунчилик би-лан шуғулланиб, қорақалпоқнинг «Шобоз» қовунларини дунёга танитди. Шу боисдан бўлса керакки, ҳали-ҳануз давраларда уни «Кенжабой қовунчи» деб фахр билан тилга оли-шади. Энг муҳими-маҳалладаги катта-кички-нинг барчаси унинг доно маслаҳатларига до-имо эҳтиёж сезади. Мен отахоннинг турмуш ўртоғи раҳматли Тўхтаон опани яхши билар-дим. Ишни кўзини биладиган аёл эди. Отахон у билан 34 йил умр кечириб, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини ҳам бирга татидилар. Улар 8 ўғил, 4 қизни тарбиялаб, элга қўшдилар. Ўғиллари-нинг 6 нафарига алоҳида уй қуриб беришди. Отахоннинг уйига байрамларда бориб қолсан-гиз фарзандлар, келинлар, неварачеваралар хонадонларга сизга кетади. Кенжабой ота 50 неварачеварани мухтарам бобоси-дир. У фронтдош дўстлари Бутан ота Қўти-мов, Бобожон Жуманиёзов, Абдураҳмон ота-лар билан тез-тез учрашиб, уруш хотирала-рини эслашади.

— 9 - май Президентимиз томонидан Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилиниши фах-рийларга кўрсатилаётган катта меҳр-эътибор. Истиқлол йўлидан биргаллашиб, нузли манзил-ларга етиш барча яхшиларга насиб этсин, — дейди Кенжабой ота.

Бекмурод ДАВЛЕТОВ,
Беруний тумани.

OLAMDA NIMA GAP

Аҳолишуносларнинг ай-тишича, 10-11 май кунла-ри Ҳиндистонда мамлакат аҳолиси сонини миллиар-дга етказувчи чақалоқ ду-нёга келади. Мамлакат Хи-тойдан кейин иккинчи бўлиб миллиардлик до-вондан ошиб ўтади. Дунё аҳолишунослари сайёра-

кинчи томони ҳам борли-гини унутмаслик лозим. Миллиардлик чегарани бо-сиб ўтиш Ҳиндистон халқи учун яхшилик аломатими ёки навбатдаги муаммолар гирдобининг бошланиши? Яхши гапдан бошлай-лик. Хозирданок Ҳиндис-тон солиқни сақлаш ва-

ҲИНДЛАР КУТАЁТГАН ЧАҚАЛОҚ

миз нуфуси жадал кўпай-иб бораётганидан ташвиш билдираётган бир пайтда, Ҳиндистон аҳли миллиар-динчи бўлиш қайси чақ-алоққа насиб этаркин, де-ган қизқишда юрибди. Бунга Ҳиндистон ҳукумати ҳам алоҳида эътибор бе-ряпти. «Обиляр гўдак» бир зумда машҳур бўлиш би-лан бирга, анчагина мод-дий бойлиқни ҳам қўлга киритади. Бирок, масаланинг ик-

нослар ушбу воқеани кат-та ташвиш билан кутмоқ-да. Уларни, аввало, мамла-кат аҳолиси ҳаддан таш-қари кўпайиб бораётгани ташвишга солаётир. Бу-нинг оқибатлари яхши маълум. Турфа касаллик-ларнинг урчиши, турар-жой, озиқ-овқат ва ичим-лик суви танқислиги муам-моси, ишсизлик... Шу боис шифокорлар аҳоли-ни туғилиш кўпайишига қарши ёппасига кураши-

бата билан халққа муро-жаати хозирданок тайёр-лаб қўйилган. Алоқа ва-зирлиги ушбу воқеага атаб почта маркаси чиқаришни режалаштирган. Молия ва-зирлиги юбилей тангаси-ни зарб қилмоқчи. Бир сўз билан айтганда, миллиар-динчи чақалоқни бутун Ҳиндистон аҳли сабрсиз-лик билан кутмоқда.

Лекин, солиқни сақлаш ва-зирлиги ҳамда аҳолишу-

кучайтиришга чақирмоқда. Шифокорлар ва аҳолишу-носларга темир йўллар ва-зирлиги «ҳамдардлик» билдирапти. 11 май куни поездга чиққан барча йўловчилар чиптанинг орка томонида «миллиарддан ошганимиз яхши, лекин аҳоли камроқ бўлса ундан ҳам яхши», деган сўзлар-ни ўқиси мумкин.

Хуллас, ҳар яхшининг бир ёмон томони бор. Бу ибора айниқса улкан мам-лакатнинг иқтисодий ри-вожланишига аҳолининг кўпчилиги тўсиқ бўлиб тур-ган бир пайтда муҳим аҳамият касб этади. Ле-кин, нима бўлганда ҳам, ҳиндлар катта байрамга тайёрланмоқда. Бу муҳим сана сифатида тарих са-ҳифасидан жой оладиган воқеадир. Кейинига эса, Худо - пошшо. Яратган ри-зқи билан яратди, деган гап ҳиндларда ҳам бор.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

А Р - Р И А Д. Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Афғонистондаги қарама-қарши томонлар ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Ислон конференцияси ташкилотли шафё-лигида ўтказилаётган ушбу музокаралардан мақсад «Толибон» ҳаракати ва Шимолий иттифок ўртасида ўт очишни тўхтатиш борасида келишувга эришиш ҳамда мамлакатдаги барча сиёсий кучлар иштирокида ко-алицион ҳукумат тузишдир.

Жорий йилнинг 6-7 март кунлари Жиддада ўт-казилган музокараларнинг биринчи босқичи бесамар яқунланган эди.

Ф Р И Т А У Н. Сьерра-Леоне ҳукумати зудлик билан ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни назор-рат қилиш кўмитасининг йигилишини ўтказишни так-лиф қилди. Ушбу битим ўтган йили ҳукумат билан Бирлашган инқилобий фронт раҳбарияти ўртасида имзоланган эди. Хабарларга қараганда, йигилишда БМТнинг Сьерра-Леонедаги тинчликпарвар кучлари ва исёнчи жангчилар ўртасида авж олаётган қурол-ли тўқнашуларга барҳам бериш масаласи кўриб чи-қилади.

ДУ Ш А Н Б Е. Тожикистонда аскарларни олиб кетаётган ҳарбий юк машинаси ҳалокатга учради. Ха-барларга қараганда, фожеа оқибатида президент гвардиясининг олти ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, 23 киши жароҳатланган. Айни пайтда тегишли орган-лар ходимлари ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

Фафур Фулом туғилган куннинг 97 йиллигига

Ардоқли шоиримиз ҳақидаги хотиралардан бирида шундай ёзилади: «Шоирликни ҳавас қилган ёшлар Фафур акадан шеър қандоқ қилиб ёзилади деб кўп сўрашарди. Шунда Фафур ака ҳазил аралаш жавоб қайтарарди: «Шеър ёзиш учун аввал кўлни яхшилаб атир совун билан ювиш керак...»

Фафур Фуломнинг қизиқчилик ва мутойиба бобида топқирлиги, самимияти ва дилкашлиги, барча билан баробар тил топишини биз китоблардан ўқиб билганмиз. Бундай ёдномаларни ўқиганимиз сайин шоир шахсига бўлган қизиқишимиз баттар ортаверган. Теран фикри, ўткир сўзи билан не-не катта давраларни қойил қолдирган академик шоиримиз оилада қандай киши бўлган? Фарзандларини тийрак ва баркамол қилиб вояга етказишда қай тарбия усуллари қўллаган? Бунга қачон, қандай вақт тогган? Фафур Фуломнинг қизи, севимли адибамиз Олмос АХМЕДОВА билан суҳбатлашиб, жуда кўпчиликни қизиқтирган ана шу саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Дадамнинг ҳар битта с хатти-ҳаракати биз учун тарбия, катта сабоқ бўларди. Ўзлари бизга ҳадеб «ундоқ қилинган, бундоқ қилинган» дея ўғит беравермасдилар. Аксинча, бир оғиз ширин калом, тўрт мисра шеър ёхуд икки-учта ҳазил-хузил сўзини топиб айтардиларки, унинг мазмунидан ишимизга берилган баҳонини илғаб олардик. Ўша йилларда акаларим, мен, синглим ҳаммамиз ўз-ўзимизча «Дадам мени кўпроқ яхши кўради!» деган ҳаёлга борганмиз. Оиламизда ўзаро меҳр-муҳаббат устувор эди! Бундайин меҳр ҳақида дадам кўплаб шеърлар ҳам ёзган, шулардан бири «Оилада муҳаббат туздан баланд турарди!» деган сатрлар билан бошланади...

Дадам сохталикни ёқтирмас, ўзлари ҳам суюнса юракдан суюнор, куюнса юракдан куюнардилар. Ёш боладек қувонган кезларида уйимиз худди ёришиб кетгандек туюларди. Хафа бўлишларини-ку, ҳечам истамасдик. Қай биримиз сал нотўғри иш қилиб қўйсак, ойм дарров «Энди даданга нима дейимиз? Билиб қолсалар хафа бўладилар-а!» деяверардилар. Шундан сўнг биз «Де-мак, дадамни хафа қилмаслигимиз керак!» деб ўйлардик, хато ишимиздан қаттиқ хижолат тортардик. Уйимизда ота ҳурмати жуда юқори турарди!

Менимча, агар дадам шоир бўлмаганларидеки эди, балки актёрлик қилармидилар... Чунки, ёзган асарларини шунчалик усталик билан ижро этардиларки, энг зўр актёрлар ҳам ҳойнаҳой бунчалик ўхшашолмаган бўларди. «Ҳасан Кайфий», «Ўғригина болам», «Афанди ўлмайдиган бўлди» ҳикояларини ўқиб берганларида, дадамнинг ижро маҳоратидан ҳайратланганмиз. Ўзлари жуда кўп нарса билардилар. Бошқа милаатларнинг шеърларини кўшиқларидан ҳам хабардор эдилар. Расм чизишни қотириб ташлардилар. Баъзан музика чалиб, ашула киргойи қилардилар. Ер чопиб экин экишни, лой қориб йи солиш каби юмушларниям ўзгача ғайрат билан бенуқсон адо

этардилар. Ҳатто овқат тайёрлашда манаман деган уста ошпазлардан қолишмасдилар. Таниш-билишлари дадам пиширган шўрвани «Фафур хўплама» дейшарди. Қизиги, шўрвага тушмаган

эдик. Дадам арзимаган ишимиз учун ҳам бизни рағбатлантирар, бундан кўнглимиз ўсарди. Айрим масалаларда ўзлариям биз билан фикрлашар эдилар. Урушдан кейинги йиллар-

боқиш қийин, тирикчилигим ўтмаяпти, - дейди ҳалиги киши. Шунда дадам: - Туринг-ей, айб бўлади. Қўл-оёгингиз соппа-соғ, иш-ласангиз, бирор хунарнинг

лалар ташлаб юборсам синмайдиган пластмасса идиш, шуларни олинг!» деб ўз ҳолимга қўймоқди. Қаранг, ёлгон экан... Ойим кечаги бозор воқеаси ёдларига тушиб сўрайди-

«ҚАЛБИМ БУЮРГАНИН АЙТИБ КЕЛДИМ ҲАМИША»



Ушбу сурат биринчи марта эълон қилинмоқда.

зиравор бўлмасди. Ёзда до-вучча, тоғ олча, гўр олма, ангур ҳам солинарди. Гоҳо бундай шўрвадан шолғом, беҳи, райхон, жамбил ҳидлари анжиқ турарди. Бозорда юрганларида шу зираворларнинг фойдали хижатларини айтиб берсалар, дехқонларнинг ўзлариям ажабланишарди. «Шунча йилдан бери бу зираворларни сотамиз, бунчалик хосияти борлигини билмас эканмиз» деб очик-ойдин тан олишарди.

Дадам бизларни ҳам тез-тез бозорга олиб тушарди-лар. «Нарх - навоини билин-лар» дердилар. Шу тариқа иқтисодий савиямиз ҳам ор-тиб борган экан, ўшанда. Биз уйда бекорчилик нима эканини билмасдик, доимо қай-сидир юмушлар билан банд

да уйимизда одам кўп, биз болалар эса ўта шўх, шу боис идишларниям синдираверар-канмиз. Уйда пиёлалар камай-иб кетибди. Ўша кунларда оймим: «Дадаси, пиёла олиб келинг, ҳаммага етмаяпти» дедилар. Дадам эса «Яқинда қалам ҳақи оламан, бозорга чиқиб ҳамма нарса харид қиламиз» дедилар. Дадам қўллари очик, айтганларини бажарардилар. Бир неча кун ўтиб бозорга йўл олишарди. Ойм хурсанд, қўлларидеки катта халта. Маҳалладан ўтиша-ётиб, бир воқеанинг устидан чиқиб қолишибди. Йўл бўйи-да дадамга таниш бир одам тиламчилик қилиб ўтирган экан. «Ие, ие, бу қандоқ бўлди?» деб сўрабдилар да-дам ажабланиб.

«Э, Фафур ака, болаларни бошини тутсангиз эглайсиз-ку, - дейдилар. - Мен меҳнатдан қочмайман-а, лекин дастмоям йўқ-да! Агар пулим бўлса, хомашё сотиб олиб иш қилардим... - Сизга неча сўм керак? - Беш минг бўлса етарди... Дадам дарров ён чўнтақларидан бир пачка пул чиқариб, ўша одамга бериб, «Бошқа бу ишни қилманг, хафа бўламан!» дейдилар. Хуллас, ойм иккови бозорга етиб келишарди. Ойм ҳали у нарсага, ҳали бу нарсага харидор бўлармиш. Дадамга эса ҳеч бири ёқмасмиш. Шундай қилиб улар уйга ҳеч нарса олмасдан, ҳориб-чарчаб қайтиб келишарди. Ойм хайрон, «Ҳалиги одамнинг тиламчилик қилиб ўтиргани бу кишининг кайфиятини бузиб юборди, шекилли» деб ўйлайди. Эр-тасига дадам оймга бир даста ҳар хил пиёлалар олиб келиб берадилар. Сўнг «Она-си, мана сизга ҳеч синмай-диган пиёлалар олиб келдим, кўрин!» деб пиёлаларни ерга ташлаб юбордилар. Пиёлаларнинг ҳаммаси бетон супа-чага тушиб чил-чил бўлади. Шунда дадам «Тавба, яна алдандим-а!» дейдилар. Сўнг гапириб берадилар: - Бугун маҳалладан ўтаёт-сам, кечаги тиламчи яна ўша жойда ўтирибди. «Аҳволим ёмон» деб ҳамманга алдаб пул оларкан-да у! Манапиёла-ларни сотган йигит-чи? «Бо-

бошини тутсангиз эглайсиз-лар: - Дадаси, нега бозордан кеча ҳеч нарса олдирмадингиз? - Ҳамма пулни ўша тиламчига бергандим-да!» дейди-лар дадам. Дадам рост гапни яхши кўрар, ўзлариям фақат дилидагини айтардилар. Шу учун-ли, уйимизда ҳам ҳеч вақт ёлгон гап айтилмаган...

Дадам ўзбек халқининг фарзанди экани билан чек-сиз гурурланар, «Мен ўзбек шоириман!» деган сўзини суюниб, фахр билан айтарди-лар. Фафур Фулом миллат дар-дини, замона оғрикларини теран ҳис этар, буни асарла-рида усталик билан ифода-ларди. «Ўғригина болам», «Шум бола» ни аслида қулиб-қулиб ўқиймиз, лекин шу қул-гу билан кўзларимизга ёш ҳам келади. Чунки бу асарларда катта дард яширин. «Қалбим буюрганини айтиб келдим ҳаммиша!» деган сатр-лари бор шоирнинг. У бор ҳақиқатни қалбдан англай биларди! Фафур Фулом улкан асарлари билан ўзбек адаби-ёти хазинасига салмоқли улуш қўшган шоир. Унинг асарлари сара, яшовчан, ман-гуликка дахлдордир. Демак, шу улғ инсон юрган кўчалар ҳали-ҳали ёруғ, ҳали-ҳали ифорли...

Фафур Фуломнинг қизиқчилик ва мутойиба бобида топқирлиги, самимияти ва дилкашлиги, барча билан баробар тил топишини биз китоблардан ўқиб билганмиз. Бундай ёдномаларни ўқиганимиз сайин шоир шахсига бўлган қизиқишимиз баттар ортаверган. Теран фикри, ўткир сўзи билан не-не катта давраларни қойил қолдирган академик шоиримиз оилада қандай киши бўлган? Фарзандларини тийрак ва баркамол қилиб вояга етказишда қай тарбия усуллари қўллаган? Бунга қачон, қандай вақт тогган? Фафур Фуломнинг қизи, севимли адибамиз Олмос АХМЕДОВА билан суҳбатлашиб, жуда кўпчиликни қизиқтирган ана шу саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Дадамнинг ҳар битта с хатти-ҳаракати биз учун тарбия, катта сабоқ бўларди. Ўзлари бизга ҳадеб «ундоқ қилинган, бундоқ қилинган» дея ўғит беравермасдилар. Аксинча, бир оғиз ширин калом, тўрт мисра шеър ёхуд икки-учта ҳазил-хузил сўзини топиб айтардиларки, унинг мазмунидан ишимизга берилган баҳонини илғаб олардик. Ўша йилларда акаларим, мен, синглим ҳаммамиз ўз-ўзимизча «Дадам мени кўпроқ яхши кўради!» деган ҳаёлга борганмиз. Оиламизда ўзаро меҳр-муҳаббат устувор эди! Бундайин меҳр ҳақида дадам кўплаб шеърлар ҳам ёзган, шулардан бири «Оилада муҳаббат туздан баланд турарди!» деган сатрлар билан бошланади...

Дадамнинг ҳар битта с хатти-ҳаракати биз учун тарбия, катта сабоқ бўларди. Ўзлари бизга ҳадеб «ундоқ қилинган, бундоқ қилинган» дея ўғит беравермасдилар. Аксинча, бир оғиз ширин калом, тўрт мисра шеър ёхуд икки-учта ҳазил-хузил сўзини топиб айтардиларки, унинг мазмунидан ишимизга берилган баҳонини илғаб олардик. Ўша йилларда акаларим, мен, синглим ҳаммамиз ўз-ўзимизча «Дадам мени кўпроқ яхши кўради!» деган ҳаёлга борганмиз. Оиламизда ўзаро меҳр-муҳаббат устувор эди! Бундайин меҳр ҳақида дадам кўплаб шеърлар ҳам ёзган, шулардан бири «Оилада муҳаббат туздан баланд турарди!» деган сатрлар билан бошланади...

Суҳбатдош: Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Касаба уюшма спорти ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Зеро, шундай саналар борки, уларни, ҳеч қачон унутиб бўлмайди, авлоддан авлодга йил сайин сайқал топиб кучиб ўтаверади. Мухтарам Президентимиз бежизга 9 майни Хотира ва Қадр-лаш куни деб эълон қил-ганлари йўқ. Токи ўсиб келаётган ёшлар ота-боболари кўрсатган қаҳра-монликлар руҳида камол топиб, ҳақиқий ватанпар-варлик туйғуларини қал-бга жо қилган ҳолда эл-юрт қорига ярайдиган бўлиб вояга етсинлар.

Куни кеча Чиноз туман касаба уюшмалари қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган Хотира турнири ҳам, айтиш мумкинми, сўз билан иш билригининг исботи бўлди. Уруш ва меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатилиб, дастурхон ёзилди, куй-қўшиқлар ила дилларга ором бахш этилди.

Хотира турнири мусо-бакаларида республика тоифасидаги ҳамкам Илғиз Файзуллиннинг таклиф этилишининг ўзидеки ушбу тадбирга нақадар жиддий эътибор қаратилганини билдиради. Дастлаб спорт мухлислари Каноп заводи ва Чиноз фахрий-лар жамоаси ўртасидаги волейбол беллашувлари-ни мириқиб томоша қил-дилар. Уйин янги қоида асосида ўтказилди ва 2:1 ҳисобида меҳмонлар галабаси билан якун топ-ди.

Мусобака ҳомийси - «Адолат» хусусий фирма-сига қарашли чойхонада ташкил этилган шахмат бахслари ҳам мухлислар-да гоёт қизиқиш уйғотди. Бунда 28 шахматчи аввал тўрт гуруҳда ўйнаб, голибларни аниқлаб олди-лар. Ярим финал эса яна-да кескин курашлар ос-тида ўтди. Шахмат тах-тасида юзага келган му-раккаб вазиятларни ҳам-мадан кура тезроқ еча билган Абдуфаттоҳ Ибро-ҳимов турнирнинг бош совринини қўлга киритди. Баҳром Умаровга иккин-чи ўрин насиб этди. Ҳар икки шахматчига пул ва медаллар тақдим этилди. Хотира турнири ишти-рокчилари ҳомийлар - ту-ман агросаноат мажмуи касаба уюшма қўмитаси, «Камолот» фирмаси ҳамда таъриқдор Расул Умаров таъбир сиз этган махсус совринлар билан тақдирланишди.

Абдурахмон АБДИРОВ, Чиноз туман касаба уюшмалари жисмоний-тарбия ва спорт жамияти раиси.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

Венгрияда ўттиздан ортиқ мамлакатнинг 2 минг нафарга яқин каратэ усталари ўртасидаги «Европа кубоги — 2000» мусобақасида вакилларимиз юксак натижани қўлга киритишди. Унда терма жамоамизнинг 12 нафар спортчиси катнашиб, 15 та (7 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза) медаллар шодасини юртимизга тўғша этдилар.

— Беллашувлар ўйлаганимиздан ҳам юқори савияда ўтди. Айниқса, баҳсларни кузатаётган ташиклотчилар ва томошабинлар шогирдларимиз маҳоратига қойил қолиб, улар шайнига ёғилган олқишларни қўриб кўнглим тоғдек кўта-рилди, - деди Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти 6 ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасов «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Дарҳақиқат, Отабек Қосимов, Ширин Абдуҳақимов, Сарвар Исмоилов, Илҳом Каримов, Аваз Топшўлатов каби Ватанимиз бўлажақ каратэ юлдузларининг савий-ҳаракатларини юқори баҳолашни муваффақиятларимиз гарови бўлади. Шунинг-дек, Кубок баҳсида Азаматали Қаландаров терма жамоа-мизнинг ягона катта ёшли вакили бўлиб, Европанинг энг кучли каратэчиси деб эътироф этилди.

Албатта, ютуқларимиз билан фахрланишимизга ҳали эрта. Жорий йилда кучли каратэчиларни жаллайдиган масъули-ятли мусобақалар — Япониядаги жаҳон талабаларининг бел-лашуви, Англия, Руминия, Греция мамлакатларида ўтажақ халқаро турнирлар, Малайзия ва Германия спорт майдон-ларидаги жаҳон кубоги ва чемпионати бахслари 2004 йил-ги (Рим) Олимпиада ўйинларига муносиб замин тайёр-лаш борасида катта синов вазифасини ўтайди.

Футбол

2:1 — БУ ҲАЛИ ГАЛАБА ЭМАС

Хотира ва қадрлаш куни арафа-сида мамлакатимизнинг кучли тўрт жамоаси — «Дўстлик» ва «Нефтичи», «Насаф» ва «Самарқанд — Динамо» биллур кубок учун ярим финал баҳсларининг биринчи учрашувини ўтказдилар. Ҳар икки ўйин 2:1 ҳисо-бида майдон эгаларининг фойдаси-га ҳал бўлди.

18 йилда мўлжалланган жавоб матчлари қандай кечади?

Албатта, олдиндан бир нарса дей-иш мушкул. Лекин илк учрашувда қайд этилган натижа, қолаверса фут-болчиларнинг майдондаги хатти-ҳаракатларидан ҳеч бир жамоа осонликча «жон бермаслиги» сези-либ турибди. Энг муҳими, моҳир ҳужумчилар — Зафар Холмуродов («Насаф»), Анвар Бердиев («Не-фтичи»), Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Мухтор Қурбанов («Дўстлик») ва Мухсин Мухаммадиев («Самарқанд — Д»)лар жуда яхши спорт формасида эканлигини биринчи учрашувдаёқ

исботлай билдилар. Агар уларнинг сафига жароҳат олганлиги сабабли Заҳира ўриндиқларида ўтирган Нўзмон Ҳасанов каби ўйинчилар ҳам қўшилса, шубҳасиз, жавоб ма-тчи ҳақиқий финалчиларни аниқлаб берадиган даражада муросасиз ку-рашлар остида ўтади.

Ўйинлар жадвалидаги бўшлиқдан фойдаланиб, Термида «Сурхон» ва «Навбахор» жамоалари чемпионат-нинг қолдирилган учрашувда «ора-ни очди» қилиш учун майдонга туш-дилар. Ҳужумга зўр берилганлигини шундан ҳам билса бўладики, ҳар икки жамоа уч мартадан ўйинни май-дон марказидан бошлашга мажбур бўдилар. Гарчанд командалар бит-тадан очко олган бўлсалар-да, тур-нир жадвалида сезиларли ўзгариш юз берди: «Навбахор» 17 очко би-лан бешинчи, «Сурхон» 15 очко би-лан еттинчи ўринга кўтарилиб олди. Чемпионатнинг навбатдаги тур уч-рашувлари 10 май куни бўлиб ўтади.

Х.АКБАРОВ. Мухаммад АМИН (Ўза) олган суратлар.

«ҲАВАС» ТУРНИРИ ЖОЗИБАСИ

6-7-8 май кунлари пойтахтимиздаги «Динамо» теннис клуби кортларида вазириликлар, ҳокимликлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўртасида анъанавий «Ҳавас» турнири бўлиб ўтди.

Қачонлардир фалон раҳбар эрталаб туриб 15-20 минут бадантарбия билан шуғулланар экан ёки фалончи тонгда мунча масофани яёв юрар экан, дейишса ажаб-андоз эдик. Бугун-чи? Раҳбарларимизнинг у ёки бу спорт тури билан мунтазам шуғулланиши, ҳатто мусобақаларда фалон штирок этак-ётганликлари ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Гўё аслида ҳам шундай бўлиши керакдай.

«Ҳавас» турнири ҳам шу тариқа юзага келди. Бу йилги мусобақалар ҳар галгидан кўра оддий ва самимий ўтди. Жуфтлик баҳсларида 64 нафар иштироки саккиз гуруҳда қатнашди. Яққалик беллашувларида эса 27 нафар теннисчи ўзаро куч синаш-дилар. Жуфтлик баҳсларида қуйидаги иштирокчилар кей-инги босқичга йўлланма олишди:

- 1. Р.Қодиров — Республика бош прокурори. Д.Исроилов — Президент девони консультанти. 2. И.Бобоҷонов — Хоразм вилояти ҳокими. А.Қутлиев — «Аму-лада» ҳиссадорлик жамияти раиси. 3. А.Миржалилов — Тошкент шаҳар ҳокимининг би-



- ринчи ўринбосари. А.Мирқосимов — Яққасарой тумани ҳокими. 4. А.Отабоев — Фарғона вилояти ҳокими. Ш.Узоқов — ҳарбий проку-рор. 5. А.Носиров — Самарқанд шаҳар ҳокими. Ш.Абдуҳолиқзода — Самар-қанд вилоят фуқаролари хо-рижга чиқариш ва қабул қилиш бўлими бошлиғи. 6. В.Отаев — бош вазир ўринбосари. Р.Файзуллаев — «Тошша-ҳарйўловчнтра» Давлат ас-социацияси раиси.

- 7. Т.Жабборов — Наманган вилояти ҳокими. О.Носиров — «Телеком-тек» бош директори. 8. К.Шодиёв — «Узфармса-ноат» концерни раиси. Б.Хусанбоев — «Узбекту-ризм» миллий компанияси ра-иси.

Яққалик баҳсларининг иккинчи босқичи иштирокчилари рўйхати эса қуйидагича бўлди: 1. Х.Абдураимов — Респу-блика «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси. 2. Р.Шоабдурахмонов — Президент давлат маслаҳатчи-си ўринбосари.



- 3. Р.Белкунов — Вазирлар Маҳкамаси бош консультанти. 4. М.Усмонов — Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ҳокими. 5. А.Азизов — Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси раиси. 6. Н.Фозилов — Вазирлар Маҳкамаси шўъба мудири. 7. Ф.Ким — «Узенилсано-ат» ассоциацияси раисининг ўринбосари. 8. Ф.Турсунов — Тошкент шаҳри ва вилояти миллий хав-фсизлик хизмати бошқармаси бошлиғи.

7 май куни айнан шу теннисчилар ўртасида ўтган қиз-рак финал баҳслари қизгин тус олди. Уйинларни кузатар эканиси, беихтиёр «Ҳавас» тур-нири иштирокчиларининг ма-ҳоратлари йилдан-йилга ошиб бораётганлигига иқдор бўла-сиз. Қани энди, раҳбарлари-мизнинг бу ажойиб ўйинлари-ни ҳамма томоша қилсаиди, деган истак пайдо бўлади. Тўғри-да, бу ҳам биз учун бир фахр эмасми? Бинобарин, «Ҳавас»да ҳам катта теннис-даги каби кутилмаган натижа-лар, кишининг ҳайрат ва ҳаяжонини оширадиган ҳолат-лар кўп бўлди. Ҳар йили фа-қат юқори чўққиларни қўзла-ганлар бу йилги ўйинларда им-кониятни бой бериб қўйишлар-и, фарғоналик қатнашчилар-нинг илк мартада совринли ўринини эгаллашлари ёки тўрт йилдан буён галаба остона-сидан қайтиб кетаётган сама-рқандликларнинг бу йил бош совринини қўлга киритганлик-лари, Ф.Кимнинг барчани до-да қолдириб биринчи ўринни

«илиб» кетганлиги мусобақа-ларнинг кескин курашлар ос-тида ўтганлигини билдириди. Нихоят, жуфтлик баҳсла-рининг ярим финалида Бо-боҷонов - Қутлиев ва Ота-боев - Узоқов ҳамда Носи-ров - Абдуҳолиқзода ва Жа-ббаров - Носиров жуфтлик-лари ўзаро дуч келдилар. Бунда Отабоев - Узоқов ва Носиров - Абдуҳолиқзода жуфтликларига омад кулиб бокди. Нихоятда қизиқари-кечган якуни баҳсда Носи-ров - Абдуҳолиқзода жуфт-лиги рақибларини 6:3 ҳисо-бида енгиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Яққалик баҳслари ярим финалида Абдураимов Бел-куновга, Усмонов эса Кимга ютқазиб қўйди. Белкунов ва Ким ўртасидаги финал уч-рашуви 6:2 ҳисобида Ф.Ким-нинг ишончли галабаси би-лан якунланди. Мусобақа голиблари ва совриндорла-рига турнир ташкилотчилари, Республика теннис фе-дерацияси ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари, кубоклар тақдим этилди.

Ҳар йили бўлгани каби бу гал ҳам республика омма-вий ахборот воситалари му-собақа иштирокчиларига, голиб ва турнирда ўзига хос ўйин намойиш этганларга ўз совринларини таъсис этган-ди. Шундай қилиб «Ишонч» газетаси таҳририяти таъсис этган «Галабага бўлган иро-даси учун» соврини А.Носи-ровага, «Восточные вести» га-зетасининг «Тараққиёт учун» соврини А.Отабоевга, «Тош-кент оқшоми» - «Вечерний Ташкент» газеталарининг «Теннисга бўлган садоқати учун» соврини А.Миржали-ловага ҳамда Ўзбекистон тел-лерерадиокомпаниясининг «Мухлислар меҳри учун» мах-сус соврини «Ҳавас - 2000» голиби Ф.Кимга топширилди. Тақдирлаш маросимида Рес-публика теннис федерация-си президенти Р.Иноятов иш-тирок этди.



ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғронома берилган. IBM компьютерда терилди ва елдирилган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14,002 нусха. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босма хонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топширилган сана: 21.06. Тошхирилди 23.00